

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриклаш хизмати
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўриклаш
хизматини кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА

Жиззах шаҳри

№ 1 -22 178 -сонли

2022 йил « 01 » январь

Жиззах вилояти Кўриклаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиғи полковник О.А.Амиров (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) бир томондан, Зомин тумани Халқ таълими бўлими номидан шартномага асосан фаолият юритувчи бўлим мудирини А.М.Эргашев (кейинги ўринларда Буюртмачи" деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

1 боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи Миллий гвардия кўриклаш хизмати, харбийлаштирилган ва сокчилик кўриклаши кўринишида техник кўриклаш пунктдан (кейинги ўринларда ТҚП деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкни кўриклаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини. Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2 боб. Умумий шартлар.

2. Буюртмачи Жиззах вилояти Зомин туманида жойлашган Зомин тумани Халқ таълими бўлими (кейинги ўринларда объект деб юритилади)га қарашли 1-сонли, 3-сонли, 4-сонли, 7-сонли, 9-сонли, 12-сонли, 15-сонли, 16-сонли, 19-сонли, 20-сонли, 22-сонли, 24-сонли, 25-сонли, 31-сонли, 34-сонли, 39-сонли, 42-сонли, 43-сонли, 45-сонли, 46-сонли, 47-сонли, 49-сонли, 50-сонли, 51-сонли, 56-сонли, 57-сонли, 60-сонли, 61-сонли, 63-сонли, 64-сонли, 65-сонли, 66-сонли, 67-сонли, 69-сонли ва 75-сонли мактабларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳар куни 4 соат, соат 10-00 дан 14-00 гача "ташвиш тугма"оркали ТҚП ва ҚЕОС воситалари билан кўриклаш учун Ижрочиға топширади. Ижрочи қабул қилади.

3. Объектнинг кўриклаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларнинг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник кўриклаш воситалар билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриклаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан кўриклаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни кўриклашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда сокчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш куни ичида Миллий гвардия хизмати кўриклаш тури йўлга қўйилади. Объектда сокчилик кўриклаш тури ва харбийлаштирилган кўриклаш объектга 30 иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган ижрочи эса чакириб олинади.

3 боб. Тўловларни амалга ошириш.

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

Пост-соат ҳисобида кўриклаш хизмати ойига 14 804 860 (ўн тўрт миллион саккиз юз тўрт минг саккиз юз олтимиш) сўм, 3 ойга 44 414 580 (қирқ тўрт миллион тўрт юз ўн тўрт минг беш юз саксон) сўм бўлади.

Ижрочи балансида турган сокчи итни саклаш учун ойига 00 сўм, 12 ойга 00 сўм бўлади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи 5 кун ичида аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловини амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчиси бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдоридан аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга оширишни зарур.

4 боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочи билан белгиланган кўриклаш тартибига риоя этишни талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриклаш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхадан далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда, ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шарноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 20 ____ йил « ____ » ____ даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриклашга топширилаётган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш. Ўз ҳисобидан техник кўриклаш воситалари (*объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан кўриклаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ички ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар*) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан 10 метр узоқликда (*объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда*) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриклашнинг техник воситалар билан таъминланганлигини, шу жумладан ёнғиндан кўриклаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

Белгиланган кўриклаш режими талабларини бажариш ва техник кўриклаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, кўриклаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча кўриклаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 20 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида кўриклаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриклашга топшириш. Объектни кўриклашга топширганлик ҳақида ТҚПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг кўриклашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан кўриклаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриклашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриклаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўрикланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймастик;

кўрикланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки кадокланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриклашга топшириш;

маҳсус журналда ўз вакиллари томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриклашга топшириш, кўриклаш тугагандан сўнг кўриклашдан чиқариш;

кўрикланадиган хоналарнинг бутлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунга қадар кўрсатилган жойларнинг даҳлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриклаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулт рақамларини ошқор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника ҳавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришга оид қисми билан таништириш.

15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

Мазкур шарномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

Кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриклаш техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

Объектда постлар дислокациясига (патрул маршрутига) мувофиқ кўриклаш нарядини жорий қилиш;

Мазкур шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриклашга топширилган моддий қимматликларни кўриклашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўрикланаётган ҳудуддаги лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки кадокланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб китоб асосида қабул қилиш-

топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий кимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектнинг кўриклаш вақтида жойдаги ёнгин хавфсизлиги қодаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан кўриклаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнгиндан кўриклаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриклаш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), қурол аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектнинг кўриклашга қабул қилганда ва топширилганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриклашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамланганлигини, кўриклашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгиндан кўриклаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхадан далолатнома тузиш.

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбариятига тегишли чоралар кўрилиши учун бериш;

кўрикланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия кўриклаш хизмати навбатчилик қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия кўриклаш хизмати вакили етиб келгунга қадар ходиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

5 боб. Томонлар жавобгарлиги.

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўланмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патруль йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеня тўлаш буюртмачи ва ижрочини ўз мажбуриятларини бузиши оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлик миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

Ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлик бажарган бўлишига қарамастан, зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний қучга қирган қарори билан тасдиқланса.

Қабул қилиш-топшириш журналида қайд қилинмаган мулкка зарар етказилганда.

Буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганида.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6 боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

24. Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартирилиши ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7 боб. Форс-мажор.

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун агар ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган ёнгиб бўлмайдиган қуч, яъни фавқулодда ва муаян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса жавобгарликдан озод қилинади.

26. Ёнгиб бўлмайдиган қуч ҳолатига ҳавола қилувчи томон бошқа томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер кимираши ва бошқа табиий халокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари қиради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8 боб. Яқуний қондалар.

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга қиради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтказилади.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи томондан рад жавоби олганидан кейингина ёки 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб номуайян муддатга амал қилади.

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича белгиланган тартибда ғазначилик бўлимларидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 март куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи бунга рад этса Ижрочи Буюртмачига 7 кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин. (эслатма: тоифаланган ва банк объектлари бундан мустасно)

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловини белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур Шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патруль йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур Шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

9. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

Ижрочи:

Жиззах вилоят Қўриқлаш бошқармаси

Буюртмачи:

Зомин тумани Халқ таълими бўлими

Юридик манзили: Жиззах шаҳри Сайилжойи кўчаси 5-уй.

Банк маълумотлари: Марказий Банк, Жиззах вилоят

бош бошқармаси

Х/Р 21596000600567049001

МФО: 00018

СТИР: 202383751

ОКОНХ: 97920

Юридик манзили: Зомин тумани Мустақиллик кў. 2.

Банк маълумотлари: Тошкент Сайилжойи 6

Марказий Банк

Х/Р 1000 228 600 821 870 921 000 450 80

МФО: 00017

СТИР: 201833096

КТУТ: 92310

Ғазначилик бўлинмасининг номи

ЯҒҲ

Банк номи:

МФО

Ғазначилик бўлинмасининг

СТИР

Бўлим мудири:


А.М.Эргашев

Бошлиғи

полковник:

О.А.Амиров

« 01 »



Ҳуқуқшунос:

С.А.Эргашев

« январь 2022 йил